

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

|   |    |
|---|----|
| <b>А.Э.Мадраҳимов</b><br>Тартибланган статистикалар учун концентрация функциясининг баҳолари .....  | 5  |
| <b>В.Т.Samatov, U.B.Soyibboev, U.A.Mirzamahmudov</b><br>Иккинчи тартибли дифференциал ўйинлар ..... | 12 |

КИМЁ

|  |    |
|--|----|
| <b>И.Р.Асқаров, А.С.Хожиқулов</b><br>Йод танқислигини бартараф этишда ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг кимёвий таркиби..... | 19 |
| <b>Ш.Ш.Турғунбоев, А.Х.Хаитбаев</b><br>Бетулон кислотасини синтез қилиш .....  | 24 |
| <b>Д.Т.Хасанова, И.Р.Асқаров</b><br>Пивони кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш .....                                    | 29 |

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

|   |    |
|---|----|
| <b>В.Махмудов</b><br>Маданийлаштириш шароитларида <i>Agropyron Cristatum</i> (L.) Beauv. ning катта ҳаётий цикли..... | 36 |
| <b>М.Холиқов, Ё.Ахмедова</b><br>Қора калхат ( <i>milvus migrans</i> )нинг Фарғона водийсида ҳаёт цикли ҳақида.....    | 43 |

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

|   |    |
|---|----|
| <b>М.Исағалиев, М.Обидов, Р.Матҳолиқов</b><br>Доривор <i>sarparis spinos</i> нинг морфогенетик ва биогеокимёвий хусусиятлари .....                | 45 |
| <b>Н.Ж.Халилова</b><br>Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг морфогенетик хусусиятлари .....  | 49 |
| <b>А.Турдалиев, К.Асқаров, Н.Ходжиболаева</b><br>Суғориладиган тупроқларда лантаноид ва радиоактив элементларнинг геоэнергетик хусусиятлари ..... | 52 |

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

|   |    |
|---|----|
| <b>Э.Мўйдинов, З.Таджибаев, А.Мирсодиқов, М.Мўйдинов</b><br>Кластер: назария ва амалиёт .....   | 57 |
| <b>А.Мирсодиқов</b><br>Худудларда хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг назарий асослари ..... | 62 |

ТАРИХ

|  |    |
|--|----|
| <b>Э.Раҳмонов</b><br>Ўзбекистонда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифаларини ҳимоялаш сиёсати: муаммолар ва илк натижалар (1991-2000 йй., Фарғона водийси мисолида) ..... | 65 |
| <b>А.Азизов</b><br>Фарғона водийси аҳолисининг уй ҳайвонлари билан боғлиқ тасаввурлари (қўй мисолида).....   | 69 |
| <b>Б. Усмонов</b><br>Темурийлар даврида Фарғона боғдорчилиги .....   | 73 |
| <b>С.А. Хошимов</b><br>Миллий сиёсий муҳолифатга қарши тазйиқ ва таъқиблар .....   | 76 |
| <b>Р.Х.Максудов</b><br>Музей – халқ тарихининг кўзгуси .....   | 80 |
| <b>О.А. Кличев</b><br>Бухоро амирлигида элчиларни кутиб олиш тартиби (xix асрнинг иккинчи ярми - xx аср бошлари).....  | 83 |
| <b>О.В.Маҳмудов</b><br>Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар (I қисм: аниқ фанларга оид китоблар).....                                    | 87 |

УДК: 338+338,5

**ҲУДУДЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ  
ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ПРИВЛЕЧЕНИЯ  
ИНВЕСТИЦИЙ В СФЕРУ УСЛУГ  
THEORETICAL FRAMEWORK FOR IMPROVING MECHANISMS TO ATTRACT INVESTMENTS  
IN THE AREA OF SERVICES**

**А.Мирсодиқов**

Аннотация

Мақолада республикамызда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар ва хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий инвестицияларнинг жалб этиш жараёнлари ёритилган.

Аннотация

В статье описываются изменения в сфере услуг в ходе экономических реформ в стране и процесс привлечения иностранных инвестиций в сектор услуг.

Annotation

The article describes changes in the service sector in the course of economic reforms in the country and the process of attracting foreign investments into the service sector.

**Таянч сўз ва иборалар:** хизмат кўрсатиш турлари, хорижий инвестиция, республика бюджети.

**Ключевые слова и выражения:** виды услуг, иностранные инвестиции, республиканский бюджет.

**Key words and expression:** types of services, foreign investment, republican budget.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар иқтисодиётнинг барча соҳаларини, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга замин яратди. Хизмат кўрсатиш соҳасини мамлакатимиз ички имкониятларидан келиб чиқиб ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш долзарблигича қолмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни ошириш йўллари тадқиқ этишда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд. Иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни ошириш бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти олдида турган муҳим масалалардан биридир. Чунки бозор муносабатларини такомиллаштиришда, иқтисодиётни янада эркинлаштиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг натижасида мамлакат бюджети барқарорлигини таъминлаш, ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб муаммоларни ҳал қилишга эришилмоқда. Мазкур соҳани ривожлантириш учун маълум шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзларнинг белгиланиши, банк кредитларидан самарали фойдаланиш натижасида қисқа давр ичида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган

субъектларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасига оид куйидаги вазибалар:

- хизмат кўрсатиш соҳасида бандликнинг моҳияти ва уни янада ривожлантиришнинг назарий асосларини очиб бериш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда унинг даромадини ошириш йўллари асослаш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни ошириш бўйича чет эл тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини республикада жорий этиш бўйича тавсиялар бериш;

- хизмат кўрсатиш соҳасида бандликни оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни таснифлаш;

Республикамыз иқтисодиётининг юксалишида хизмат кўрсатиш соҳасининг роли узлуксиз тарзда ортиб бормоқда. Ушбу соҳанинг ривожланиши бозор иқтисодиётининг шаклланишида энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон тараққиётининг бугунги куни ва келажакдаги ижтимоий-иқтисодий юксалиши ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамиятини белгилаш учун ушбу соҳанинг ривожланиш даражаси ва


А.Мирсодиқов – ФарДУ, режа-молия бўлими иқтисодчиси.

## ИҚТИСОДИЁТ

ҳажмига аниқлик киритиш зарур. Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири бўлиб, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорнинг товарлар билан тўлдирилиши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолига янги замонавий ва сифатли хизмат турларини кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик масаласини ҳал этишда энг муҳим

воситадир. Ривожланган давлатларда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 70-80 фоизни ташкил этса, республикада бу кўрсаткич 50-60 фоизни ташкил этмоқда. 2019 йил 1-апрел ҳолатига республикада 350,7 мингга яқин фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар қайд этилган. Шундан хизмат соҳасида 230 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 17,0 % га кўпайди.

**Республикада 2019 йил 1 апрел ҳолатига корхона, ташкилотларнинг умумий сонига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг улуши, % (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) (1-чизма).**



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти

2019 йил 1 апрел ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотлар улушида (36,2 %) кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларини амалга ошириш

мақсадида 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири – бу, инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишдан иборат.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги

техника ва технология, экспортбop товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар оқимининг жадал суръатларда ўсишини қуйидаги омиллар белгилаб бермоқда:

- мамлакатдаги инвестиция муҳитининг барқарорлиги;

- валюта курсини тартибга солишдаги ижобий ўзгаришлар;

- мамлакатнинг солиқ механизмини такомиллаштиришнинг аниқ йўналишлари белгиланганлиги;

- солиқ қонунчилигида хорижий инвестицияларнинг фаолиятини тартибга солувчи қарор ва қонунларнинг ишлаб чиқилганлиги;

- жаҳон товар бозорларидаги экспортёрлар учун қулай нархлар белгиланганлиги.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ҳудудларида хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб этиш механизмларини бозор ҳолатига қараб ўзгартириб, такомиллаштириб бориш давр талабидир.

**References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.
2. Маҳмудов Н.М., Маджидов Ш.А. “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”. Ўқув қўлланма. – Т.ТДИУ, 2010
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.